O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 март, № 55 (4465) Чоршанба

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифининг иккинчи куни Абу-Даби марказидаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбарасига ташриф буюрди.**



1971-2004 йиллар давомида Бирлашган Араб Амирликларига раҳбарлик қилган бу арбоб мазкур давлатнинг ташкил топиши, мустақилликка эришиши ва ривожланишига ғоят катта ҳисса қўшган. Унинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам жуда юқори эди.

Ислом Каримов мақбара ёнида барпо этилган масжидни ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Дубай шаҳрига келди. "Заабил" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримов Дубай Амирлиги Бирлашган Араб Амирликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаол ривожлантираётганини таъкидлади.

Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Араб Амирликларининг Марказий Осиёдаги энг ишончли шерикларидан эканлигини, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси, янги лойиҳаларни тузиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунига етди. Ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, сайёҳлик, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик, қимматли қоғозлар бозори, савдо-саноат ҳамда илм-фан ва маданият муассасаларининг ҳамкорлигини назарда тутувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ўзаро муносабатларнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Абу-Даби — Дубай — Тошкент.

**СУРАТДА:** учрашувдан лавҳа.
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# БАА МАТБУОТИ ТАШРИФ ҲАҚИДА

***Бирлашган Араб Амирликлари оммавий ахборот воситалари Президент Ислом Каримовнинг ташрифини кенг ва изчил ёритиб бормоқда.***

**Абу-Даби, 18 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)**

"Ал-Иттиҳод" ва "Ал-Баян" газеталарида 18 март куни "Халифа Ўзбекистон раҳбари билан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди", "Муҳаммад бин Зоид Ўзбекистон-БАА алоқаларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидламоқда", "Ўзбекистон-БАА муносабатлари мустаҳкамланмоқда", "Ўзбекистон ва БАА ташқи ишлар вазирларининг учрашуви", "Ўзбекистондаги ислом ёдгорликлари фотокўргазмаси" мавзуида мақолалар чоп этилди. "БАА Президенти олий мартабали меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Ўз навбатида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон БАА билан иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди", дейилади дастлабки мақолада.

Ислом Каримовнинг Абу-Даби Амирлиги валиаҳди билан учрашувига бағишланган мақолада Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ушбу тарихий ташриф Ўзбекистон-БАА муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлагани келтирилган. Валиаҳд икки мамлакат ўртасида делегациялар алмашуви амалиётини изчил давом эттириш зарурлигини қайд этган.

БАА матбуоти ташриф асносида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтганини ёзди, улар тўғрисида ахборотлар берди. Шунингдек, 2008 йил 18 март куни Абу-Даби маданият марказида Ўзбекистондаги ислом маданияти ёдгорликларига бағишланган фотокўргазма очилганини хабар қилди. Газеталарда қайд этилганидек, "очилиш маросимида марказ раҳбари Абдулла ал-Амрий бу кўргазма икки мамлакат ўртасида маданий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади деди".

***Юртимизга Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Унинг файзу тароватi, эзгулик бахш этишдек бетакрор анъаналари қалбларга ёруғлик олиб киради, дилларда бахт ва меҳру муҳаббат туйғулари қайта кўз очади. Эл-юртни сайру томошаларга чорловчи карнай-сурнай ва ноғора садолари, халқ кўнглидаги шодмонликни айтмайсизми?! Наврўз шунинг учун ҳам гўзал, шу боис ҳам у — бизнинг интиқиб, бир олам орзу-умидлар ила кутадиган айёмимиз.***

# КЎНГИЛЛАРДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

▼ Тараддуд

Айни кунларда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ҳам Наврўзи олам тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам тантанасининг мазмунли ўтиши учун катта ижодий гуруҳ меҳнат қилаяпти. Бу ҳақда тадбирнинг бош режиссёри Рустам Ҳамидов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Наврўзга бежиз меҳр-оқибат, эзгулик ва яшариш айёми, дея таъриф берилмайди, — деди Р. Ҳамидов. — У йилнинг энг гўзал фасли — баҳор ойларида нишонлангани учун ҳам қалбларда янгиланиш ва орзу-умидлар жонланади. Алишер Навоий номидаги мажмуада бу йилги асосий тантаналарда айнан мана шу руҳ ҳукм суриши керак. Айни пайтда Миллий боғ амфитеатри атрофи гулларга бурканган. Мажмуанинг барча қисмида бетакрор гўзаллик, гулу чаманзор акс эттирилган.

Ёшлар йили муносабати билан тадбир иштирокчилари асосан ёшлардан иборат. Мусиқий гуруҳлар ва рақс дасталарининг аъзоларини назарда тутаяпман.

Наврўз байрамига бағишланган бадиий қисмда юртимизнинг барча етакчи санъат усталари ва жамоалари қатнашади. Хусусан, "Ўзбекистон", "Садо", "Офарин" рақс дасталари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Маннон Уйғур номидаги санъат институти, Абдулла Қодирий номидаги маданият институти ҳамда маданият коллежи талабаларининг чиқишлари ҳам тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлайди.

Албатта, байрам файзи болалар билан. Шу боис дастурда миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари, шунингдек, "Томоша", "Булбулча" сингари болалар гуруҳлари иштирок этиши кўзда тутилган. Улар ижросида ўлкамизга баҳорнинг кириб келиши, табиатнинг уйғониши сингари манзаралар "жонланади".

Концерт дастуридан вилоятлардаги бадиий жамоаларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган. Фольклор йўналишидаги куй-қўшиқ, рақслар, лапар ва айтишувлар миллий қадриятларимиз моҳиятини очиб беришга қаратилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари жамоалари миллий анъана ва урф-одатларимизни ўзгача маҳорат ила ижро этишади.

Шунингдек, тадбирда эл севган санъаткорлар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари юртга муҳаббат, баҳор тароватi ҳақидаги тароналарни куйлашади. Байрамга атаб ёш ижрочиларнинг 200дан зиёд қўшиғи яратилди. Шулар орасидан муносиб санъат асарлари танлаб олинди.

Байрам куни сунъий йўлдош тизими орқали бир нечта мамлакатга тўғридан-тўғри узатиладиган асосий тантаналаримиз, албатта, бутун жаҳон аҳлига фахрланиб кўрсатсак арзийдиган жиҳатларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Байрам дастури ижодкорлари ана шу мақсадни амалга ошириш ниятида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

▼ Танлов

***Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2008" республика кўрик-танловининг якуний босқичи 15 мартда бўлиб ўтди.***

# Энг иқтидорли ёш истеъмолчи

Бу бежиз эмас. Негаки, 1962 йилнинг айни шу кунида истеъмолчилар ҳуқуқий ҳимоясининг давлат томонидан кафолатланиши кўзда тутилган Халқаро декларация қабул қилиниб, бу сана Халқаро истеъмолчилар куни, деб белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш, жумладан, ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 28 нафар ўқувчи ўзаро беллашди. Уларнинг билим-кўникмалари уч шарт бўйича баҳоланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими "Халқлар дўстлиги" саройида ёш хонандаларнинг иштирокида бўлиб ўтди.

**С. РАҲМОНОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН – БОЙ ИҚТИСОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

***Эроннинг «Коргазарон» газетаси саҳифаларида таниқли сиёсатшунос Баҳром Амираҳмадиённинг «Марказий Осиёдаги етакчи давлат» сарлавҳали мақоласи чоп этилди.***

▼ Дунё нигоҳи

Унда, жумладан, 2007 йили ўтказилган республика Президенти сайловлари Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим воқеа бўлгани қайд этилади. Ислом Каримов сайловчиларнинг 88 фоиздан кўпроқ овозини тўплаб, мутлақ ғалабага эришгани, Президент юритаётган сиёсат халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Экспертнинг таъкидлашича, у 2007 йилда президентлик сайлови арафасида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларидаги ўзбек зиёлилари ҳамда аҳоли вакиллари билан эркин мулоқот қилиш имконига эга бўлган.

Б. Амираҳмадиён мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорликка бевосита гувоҳ бўлганига тўхталар экан, бой иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг қудратли ва нуфузли давлат эканини қайд этди. «Республика бўйлаб сафарим чоғида мен бу ерда замонавий иқтисодий инфратузилма ва транспорт тармоғи яратилгани ҳамда давлат томонидан шаҳар ва қишлоқларда оқилона сиёсат амалга оширилаётганига шахсан гувоҳ бўлдим» деб ёзади муаллиф.

Унинг таъкидлашича, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани 2007 йилдаги муҳим воқеалардан бири ҳисобланади. Бу ўзбек халқининг Ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасининг халқаро миқёсда яна бир эътирофи бўлди. Ўзбекистонда кўплаб халқаро илмий-маданий конференциялар ўтказилди. Уларда халқаро ташкилот раҳбарлари ва вакиллари билан биргаликда мусулмон оламининг қатор давлатларидан ташриф буюрган таниқли сиёсат, фан ва маданият арбоблари ҳам иштирок этди.

Газетада, шунингдек, қуйидаги сўзлар баён этилган: «Ўзбекистон ҳукумати томонидан тарихий ва диний обидаларни қайта тиклаш масаласига қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор. Сўнгги йилларда Тошкентда Ҳазрати Имом мажмуаси, Қуръоннинг қадимий нусхаларидан бири – «Усмон мусҳафи» сақланаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси музейи ва кутубхонаси, Самарқанд шаҳрида Ислом дунёсининг алоҳида ғурур ва фахр-ифтихори манбаи бўлган Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳамда «Регистон» ансамбли қайта таъмирланди».

Мақолада таъкидланишича, шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий қиёфаси, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакат ҳукуматининг ўз халқига кўрсатаётган доимий ғамхўрлигидан далолат беради. Ўзбек халқи эса, ўз навбатида, давлат раҳбарияти юритаётган, жамиятда барқарорлик ва осойишталикни таъминлаб келаётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

▼ 2008 йил – Ёшлар йили

***Ўзбекистон Болалар жамғармасининг пойтахтимизда бўлиб ўтган пленумида "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод манфаати йўлида ўз дастурларини амалга ошириш якунлари муҳокама этилди.***

# БОЛАЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Тадбирда Ўзбекистон Болалар жамғармаси бошқаруви раиси И. Юсупова болалар манфаатини ҳимоя қилиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бир эканини таъкидлади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг қатор фармонлари қабул қилинди, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлиғини сақлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида давлат дастурлари, кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётир. Мамлакатимиз жамоат ташкилотлари ҳам фарзандларимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш йўлидаги ушбу хайрли ишларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятининг асосий соҳалари ўсмирлар ва ёшларни демократик туб ўзгаришларни амалга оширишга кенг жалб қилиш, жамиятимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ҳаётда мураккаб вазиятга тушиб қолган болалар учун мўлжалланган ижтимоий дастурларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, мақсадли хайрия тадбирларини ўтказиш, катталар ва болаларнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларини ошириш ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

***Инсонпарварлик юки ортилган "ЭКОСАН" саломатлик поезди" бу гал Бухоро вилоятига жўнатилди.***

# «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

45 млн. сўмлик ёрдам, жумладан, болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, пойабзаллар, дори-дармон ва бошқа халқ истеъмоли моллари вилоят аҳолисига ҳамда ижтимоий соҳа объектларига етказилади.

▼ Эзгулик

— Ташкилотимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири инсонпарварлик дастурларини амалга оширишдир, — дейди "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов. — Бунда "ЭКОСАН" саломатлик поездлари" лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳар йили республикамизнинг турли минтақаларига 20дан зиёд поездлар жўнатилади. Мазкур поезд жорий йил ҳисоби бўйича бешинчисидир. Бунгача "ЭКОСАН" саломатлик поездлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах ва Навоий вилоятларига юборилган эди.

**Омонулла ЛУТФУЛЛАЕВ.**

Бир рақам шарҳи

# ФАРОВОНЛИГИМИЗНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ





**2008** йилда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини **45** фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

**Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида хизмат кўрсатиш ҳамда сервис тармоқларини, алоқа ва транспорт, молия-банк хизматлари ҳамда коммунал хизматни жадал ривожлантириш ҳисобига соҳада шундай ўсишга эришилади.**

**Истиқлол шарофати билан халқимизнинг асрий орзулари ушалиб, миллий, маънавий қадриятларимиз тикланиб бормоқда. Буюк аждодларимиз номларини фахрланиб баралла айтадиган, улар қолдирган маънавий меросдан ўзимиз ҳам баҳраманд бўладиган, ёш авлодни ҳам баҳраманд этадиган бўлдик.**

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

НАВРЎЗ НАФАСИ

Халқимизнинг азалий қадриятлари қаторида байрамлари, урф-одатлари, удумлари алоҳида ўрин тутади. Кўп минг йиллик тарихга эга ана шундай азалий қадриятлардан бири Наврўздир.

Наврўз, аввало, табиат байрами. У туну кун баробар бўлган, кундузнинг «ҳукмронлиги» кучая бошлаган паллада нишонланади. Шунинг учун ҳам у ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг тимсоли бўлиб қолган. Бу даврда нафақат табиатда, балки инсонларнинг кўнглида ҳам янги умид ва орзулар куртак ёзади. Диллар покланади, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари намоён қилинади.

Ёши улуғлар юртда тинчлик-осойишталик бўлсин, деҳқончилигимиз баракали бўлсин, деб дуога қўл очадилар. Қишлиқировли кунларда даласини соғинган ўзбек деҳқони баракали ва мўл ҳосил олиш умиди билан Наврўз палласида ерга уруғ қадайди, кўчат ўтқазади, атроф-муҳитни кўркамлаштиришга интилади. Шу кунлари юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади, Наврўзолди хайрия ҳашарлари уюштирилиб, ҳудудлар саранжом-саришта қилинади, янги боғ-роғлар, гулзорлар барпо этилади. Озода, саранжом-саришта масканларни, гуллаётган боғларни, тўлиб-тошиб оқаётган сойларни кўриб, кишининг кўнгли ўсади, руҳи кўтарилади, шу кунларга етказгани учун Яратганга шукрона келтиради.

Наврўзнинг халқимиз миллий табиатига хос жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, бу кунларда гина-кудурат унутилади, меҳр-мурувватли бўлиш, бева-бечораларни йўқлаш, етим-есирларнинг кўнглини олиш сингари ота-боболаримиздан мерос фазилатлар ҳам ёрқин намоён бўлади.

Байрам муносабати билан ўтказиладиган маърифий тадбирлар, суҳбат ва мулоқотлар ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилади. Ёшлар йили Наврўзида эса бу каби тадбирлар ҳар қачонгидан кўламли ва салмоқли бўлади. Зеро, ёшларни халқимизнинг азалий қадриятларини биладиган ва қадрлайдиган қилиб тарбиялаш ҳам бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздандир. Халқимизнинг байрамлари ҳамиша куй-қўшиққа, ҳазил-мутойибага эш бўлган. Байрам кунлари турли авлод вакилларининг баҳор таомлари тортилган дастурхон атрофида жамулжам бўлиши ҳам ёшлар онгига Наврўз билан боғлиқ удумлар, урф-одатлар ва анъаналар ҳақидаги тушунчаларни сингдиришга хизмат қилади.

Асрлар давомида эзгулик тимсоли бўлиб келган Наврўз жаҳон ҳамжамиятига биз кимларнинг авлоди эканлигимизни, қандай улуғ тарих ва бой маънавий мерос ворислари эканимизни яққол намоён қилиш имконини беради. Наврўз шунчаки намойиш, шунчаки байрам эмас, балки инсоний ҳисларга, меҳр-оқибат туйғуларига куч-қудрат бахш этувчи, кишиларни бирлаштирувчи ҳамда уларнинг қалби ва онгида ягона Ватан туйғусини мустаҳкамловчи омилдир. Шунинг учун ҳам буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоийнинг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсун Наврўз!» деган гўзал байти бирбиримизга аталган эзгу тилакдай тилимизда, дилимизда тез-тез такрорланади. Халқимиз маънавий сарчашмаларидан озиқланувчи, ҳаётимизни замон билан ҳамнафас янгича мазмун ва моҳият билан бойитиб борувчи асл қадриятларимиз барҳаёт экан, эзгу тилаклар ва умидлар мустақил юрт фарзандларига йўлдош бўлаверади.

**Ҳабиб СИДДИҚ.**

## «ҲАР БАҲОРДА БИР ЙИЛГА ЯШАРАМАН»

***— дейди Термиз тумани Халқобод қишлоғининг 77 ёшли фуқароси Орол Пиримқулов.***

Ўттиз тўрт йил бўлдики, Орол ака 2-умумтаълим ўрта мактабида директор. Қишин-ёзин, эртаю кеч у иш ўрнида. Минг нафарга яқин ўқувчисини қўзичоғим, қўнғироғим деб эркалаб суяди. Энди биринчи синфга келган болакай билан вақт топиб соатлаб гурунглашишдан эринмайди. Мактабни бундан ўн-йигирма йил бурун битириб кетганларни йўқлаб туради. Шунча меҳрибонлиги баробарида қаттиққўл. «Ўқитувчининг ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи, ҳар галги сабоғи ўқувчининг қалбида қўшиқ бўлиб янграб қолмоғи керак», — дейди у.

Бу даргоҳни одамлар боғдорчилик мактаби деб ҳам таърифлайдилар. Сабаби... Мактаб ҳовлисида жамоа кўчат етиштиришни йўлга қўйган.

— Дарахтлар инсоннинг ўзи яшаб турган замин узра дастхатларидир, — дейди Орол ака тилига келган ташбеҳдан ўзи ҳам қувониб. — Наврўз — шу дастхатларни битиш айёми. Наврўз — инсоннинг шу заминда не орзу-мақсадлар билан яшаётганини акс эттирувчи кўзгу. Бу муборак кўзгунинг бутунлиги ва тиниқлиги учун ҳамма баравар масъул, ҳамма баравар жонкуяр бўлмоғи лозим.

Мактабнинг чоққина ҳовлисида, одатдагидек, бу йил ҳам бир миллион тупга яқин кўчат тайёрланди. Шу кўчатларнинг ярмини жамоа ўзи ўтқазди: — йўл четларида, ариқ-зовурларнинг атрофида, қишлоқ хонадонларида. Ёш ниҳолларнинг қарови, қарангки, мактаб ўқувчиларининг зиммасида. Улар ўз дарахтлари — ўз дастхатларига ғубор қўнмай ўсишидан огоҳ бўлиб борадилар. Огоҳлик илмини ўрганадилар.

Орол ака билан гурунгларимиз айланиб-ўргилиб яна дарахтлар ҳақидаги ҳикматларга тақалаверади: япон софорасини, зайтунларни кўпайтирмоқ керак. Мактабга унча узоқ бўлмаган қумликларни ўрмонзорларга айлантириш пайти келди.

— Одамзод, мен сизга айтай, яшагани сайин яшариб боришнинг ҳадисини олмоғи керак, — дейди устоз. — Бу ҳадиснинг муқаддимаси — Наврўз! Наврўз — яхшилик, яшиллик уммони. Бу уммондан қувват олганлар қаримайдилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БОЛАЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ота-она қаровисиз қолган ва етим болалар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамғарма оилавий болалар уйларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, қариндошлари оиласида тарбия топаётган етим болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича "Менинг уйим – менинг чироғим" дастури амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда, асосан олис қишлоқ туманларида ёш болалари бор ёлғиз аёлларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилди. Бу ерда ёш оналар нафақат ўзлари учун керакли касбни эгаллаш, балки ишлаб даромад топиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бу пайтда уларнинг фарзандлари тажрибали тарбиячилар назорати остида бўлади.

Жамғарма ҳузурида фаолият кўрсатаётган пойтахтимиздаги "Меҳр таянчи" маркази ҳаётда мураккаб вазиятга тушиб қолган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатмоқда, болали, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш учун "Кўп болали оила", бемор фарзандлари бор оилалар учун "Ҳаёт туҳфаси" дастурлари амалга оширилмоқда.

Жамғарма Халқаро болалар фондлари ассоциацияси аъзоси ҳисобланади, болалар муаммолари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ, ЖСТ, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Пленум иштирокчилари мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш, уларда фуқаролик позицияси, етакчилик фазилатлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар. Жамғарманинг Андижон вилояти бўлими раиси М.Мирзаева, Наманган вилояти бўлими раиси Г. Рапиғалиева, жамғарма Оила кенгаши аъзоси Н. Маҳмудова ва бошқалар бу борадаги фаолият самарадорлигини ошириш учун иқтидорли, ижтимоий ҳаётда фаол болалар ва ўсмирларни, шу жумладан, жамғарма ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон Ёш авлод кенгаши аъзоларини ўз тенгқурларини тарбиялаш жараёнига янада кенг жалб қилишга эътибор қаратиш зарурлигини қайд этдилар.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**






## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Сафар арафасида

***Франция президенти Николя Саркози шу йил 26 март куни Буюк Британияга расмий ташриф буюради.***

"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, президент Бирлашган Қиролликнинг икки палатаси қўшма мажлисида иштирок этади. Эътиборли жиҳати, 1939 йилдан буён атиги 31 мамлакат раҳбаригина бундай йиғилишда қатнашган экан.

Ташриф давомида Саркози қиролича Елизавета II ва мамлакат бош вазири Гордон Браун билан ҳам учрашади.

### Энг катта босмахона ишга тушди

***Буюк Британияда дунёдаги энг катта босмахона фаолият бошлади.***



"Би-би-си Ньюс" хабарига кўра, мазкур мажмуа қурилишига 650 миллион фунт-стерлинг сарфланди. Босмахона дунё медиамагнатларидан бири — Руперт Мердокка тегишли. У айни пайтда "Times", "Sunday Times" ва "The Sun" газеталарининг ношири ҳисобланади.

Замонавий техника қурилмалари билан жиҳозланган бу босмахонада 200 нафар киши меҳнат қилмоқда.

### Етакчининг даъвати

***Хитой Давлат Кенгаши котиби Вэнь Цзябао Тибет етакчиси Далай-Лама XIVни мамлакатда юз бераётган тартибсизликларнинг олдини олишга чақирди.***



Шундан сўнг Хитой ҳукумати тибетликлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиши мумкин. В. Цзябао Далай-Лама ташаббуси билан юзага келган можаролар жорий йил ёзда ўтказиладиган Пекин Олимпиадаси ўйинларига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирда.

### Ироқда яна портлаш



Камикадзе аёл ўзини портлатиб юборди.

Портлаш Кербел шаҳри марказида амалга оширилган. "Ассошиэйтед-пресс" ахборот агентлигининг маълум қилишича, портлаш оқибатида 40 нафарга яқин киши ҳалок бўлди, 50 нафар фуқаро жароҳатланди.

Эслатиб ўтамиз, Ироқдаги сўнгги катта портлаш шу йил 6 март куни содир этилиб, у 54 нафар фуқаронинг ҳаётига зомин бўлганди.

### Лойиҳа имзоланди

***Эндиликда Швейцария Эрондан газ сотиб олади.***



Швейцария ташқи ишлар вазири Мишлин Калми-Рейнинг Теҳронга расмий ташрифи чоғида бу борадаги келишув лойиҳасига имзо чекилди, деб хабар беради "Рейтер".

Ўзаро келишувга кўра, Эрондан йилига 5,5 миллиард кубометр газ махсус қувурлар орқали Швейцарияга етказиб берилади. Қувурлар 2010 йилгача ётқизилади. Бунёдкорлик ишларига 10-22 миллиард евро сарфланади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

«Учқудуқ шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш биносини реконструкция қилиш йўли билан 150 бемор қатнайдиган поликлиникага мослаштириш» объекти учун

танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

**Ишларнинг тугалланиш муддати** — 8 ой.

**Буюртмачи** — Навоий вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.

Лойиҳани молиялаштириш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уй.**
**Телефон: (436) 225-53-85.**

*Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.*



# МОДЕРНИЗАЦИЯ – ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

***Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб, иқтисодиётимизнинг келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади.***

Ўзбекистон туманидаги «Пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари буни тўғри англаб, сўнгги йилларда етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва янгилашга катта эътибор қаратмоқдалар.

Мазкур корхонада қайта ишланган толани бугун дунёнинг деярли барча қитъаларидаги 20 дан ортиқ мамлакатларда яхши билишади. Чунки, бу маҳсулот Япония, Жанубий Кореядан тортиб, Швеция, Италия ва Польшага етказиб берилмоқда.

— Ишлаб чиқариш тармоқларини замонавий талаблар даражасига етказмай туриб, бозордан муносиб ўрин топиш қийин, — дейди жамият бошқаруви раиси Солижон Абилжонов. — Шуни ҳисобга олиб, кейинги беш йил ичида корхонамизни тубдан янгиладик. Ҳозирда у чет элдаги турдош корхоналар сафида турибди, десам муболаға бўлмайди.

### ▼ Жараён

Биз, биринчи навбатда, самарадорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилиш ва тубдан яхшилашга эришдик. Жумладан, чигитни пахтадан тозалайдиган сўнгги нусхадаги «ИХК» русумли замонавий агрегатлар ўрнатилди. Тола тозалаш агрегатлари ҳам тўла янгиланди. Ҳозир бу цехда Европа мамлакатларида кооперация асосида тайёрланган «ИВП» русумли замонавий агрегат ишлаб турибди. Мана, янгиликнинг самараси бир йилдаёқ кўзга ташланди. Агар ўтган йилнинг дастлабки ярим йилида қайта ишланаётган пахтанинг фақат 91,2 фоизи олий ва яхши навларга сотилган бўлса, бу дастгоҳлар ўрнатилгандан сўнг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг барчасига фақат олий сифат тамғаси босиляпти. Янги қувватларнинг ишга туширилиши эса бевосита иқтисодий кўрсаткичларимизнинг ҳам янгиланишига олиб келди. Хусусан, тола чиқиши режадаги 32,7 фоиз ўрнига 33,4 фоизни ташкил этди. Ортиқча ишлаб чиқарилган толадан нафақат корхона, балки уни етиштирган фермердан тортиб, оддий деҳқонгача манфаатдор бўлмоқда.

Шу билан бирга, момиқ олиш режаси 2,1 фоиз ўрнига 3,1 фоизга уддаланди. Негаки, янги технологиялар чигитнинг синиб, беҳуда исроф бўлишига barҳам берди. Пировардида 4 фоиз кўп чигит олинди. Корхонанинг асосий таъминотчилари — Ўзбекистон ва Фурқат туманлари фермерлари мазкур корхона билан шартнома тузиб, ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат асосида меҳнат қилаётганлигидан мамнунлигининг боиси шундан.

— Биз, рости, илгари бу корхонада тайёрланаётган чигитни экишдан чўчир эдик, — дейди «Авазбек-Аслзода» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Усмонов. — Чунки корхонада алмисоқдан қолган агрегатлар ёрдамида уруғлик тайёрланарди. У сараланмас, унга ҳатто зараркунандаларга қарши ишлов берилмасди. Бугунга келиб, ҳатто корхона фермерларнинг яқин кўмакдоши, ишончли шеригига айланди. Мана, иккинчи йилдирки, корхонада тайёрланган чигитни экиб, кам бўлганимиз йўқ. Шартнома режаларини ошириб бажаряпмиз. Энг муҳими, корхона маҳсулот етиштиришдан олаётган даромадининг бир қисмини фермерларга ҳам улашяпти.

Бундай илиқ фикрларни «Аббосхон ўғли Авазбек», «Раҳмонберди Маҳкамов», «Аъзамхон Бўриев» фермер хўжаликлари раҳбарларидан ҳам эшитдик. Сабаби, бугун мазкур корхона фақат фермерлардан пахтани қабул қилиб олиб, қолгани билан ишим йўқ, деб бир чеккада қараб турмаяпти. Бир мисол. Маълумки, сўнгги йилларда ғўза зараркунандалари ҳосилга анча зарар етказди. Уларга қарши курашишда фермерларнинг қўли бироз калталик қилиб қолаётганлигидан хабардор бўлган корхона мутахассислари уларга ёрдамга келди. Аниқроғи, корхона Ўзбекистон ва Фурқат туманларида жойлашган биолабораторияларнинг бош ҳомийсига айланди. Биолабораторияларга зарур арпа, озиқ-овқат маҳсулотлари, шиша банкалар, қоғоз қоплар, кондиционер ва бошқа маҳсулотларни харид қилиб бермоқда. Чунончи, ўтган йили ўргимчаккана, шира ва кўсак қуртига қарши кимёвий воситалар ҳам корхона маблағига сотиб олиниб, фермерларга бепул тарқатилди. Қиш ойларида эса барча биолабораторияларни қайта таъмирлаш ишларига корхонанинг қурувчилари жалб этилди.

Ўзбекистон ва Фурқат туманлари фермерлари бу йил ҳам мазкур корхонада тайёрланган уруғлик чигитни экишни режалаштиришган. Тайёрланаётган чигитлар «Ўздавуруғназорат» маркази ходимлари томонидан давлат стандартлари талаблари даражасида сифатлилиги аниқланиб, қабул қилинмоқда. Бу борада фермерларнинг талаб-истаклари ҳам ҳисобга олиняпти.

Мана, ўлкамизга кўклам ҳам кириб келди. Пахта тозаловчилар эса экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳозиргача 10 та чигит ивитиш ва тарқатиш шохобчаси тахт қилиб қўйилди. Бу шохобчалардаги омборлар таъмирланиб, зарарли ҳашаротларга қарши дезинфекция ишлари ўтказилди. Айни пайтда мавжуд асбоб-ускуналар, техника воситалари синовдан ўтказиляпти.

Дарҳақиқат, модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта янгиланган корхона интенсив ривожланиш йўлидан бормоқда. Натижада унинг жаҳон тўқимачилик бозоридаги обрўйи, фермерларнинг эса корхонага бўлган ишончи тобора ортмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил якунлари ва 2008 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — мамлакатда юз бераётган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади эканлиги алоҳида таъкидланди.***

***Чиндан ҳам, ижтимоий ҳаётимизнинг исталган соҳасида олиб борилаётган ислоҳот ва ўзгаришларга назар ташлаб, мазмун-моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, Юртбошимиз фикри нақадар ҳақиқат эканлигини юракдан ҳис этамиз. Биргина таълим соҳасини олайлик. Бу соҳадаги кенг қамровли ислоҳотлардан муддао шуки, бизнинг ёшларимиз жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмасин, аксинча, ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлод бўлиб вояга етишсин. Шундай илғор, баркамол, кучли авлод бўлсинки, Ватанимизнинг буюк ва порлоқ келажагини таъминлай олсин. Таълим ислоҳотлари ана шундай улуғ инсоний маъно-моҳиятни англатади.***

Ҳозирги таълимнинг энг муҳим бир тамойили шундаки, у бевосита ҳаёт талаби ва эҳтиёжлари, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришининг ривожу равнақи манфаатлари билан узвий ҳамнафасликда яшайди ҳамда шу йўлдан қатъият билан илгарилаб борилмоқда. Бунинг айрим далилларини келтирайлик.

Президентимиз маърузасида шундай дейилади: «Тўқимачилик саноати бўйича ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 66 та корхонадан 34 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди, яна 20 та корхонада қурилиш ишлари ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш жараёни тугалланмоқда».

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимизда бор-йўғи 8 фоиз пахта толаси қайта ишланар эди. Мустақиллик даврида ўз маҳсулотларимизни қайта ишлаш саноатини кенг йўлга қўйишга киришилди. Жумладан, маърузада таъкидланганидек, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, уни модернизациялашда олдинга қараб катта қадамлар қўйилди.

Шу ўринда мамнуният билан айтишимиз керакки, тўқимачилик саноатини ислоҳ қилиш, модернизациялаштиришда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб чиққан малакали мутахассис кадрлар самарали иштирок этмоқдалар. Бу даргоҳда таълим ва тарбия айнан мамлакатда тўқимачилик саноатининг моддий-техника базасини замонавийлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган.

Бугунги кунда модернизация қилинган тўқимачилик корхоналарида қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ошди. Бунда институтимизни битириб республика корхоналарида меҳнат қилаётган муҳандислар, тўқимачилик саноати иқтисодчилари ва менежерларнинг сезиларли хизматлари борлиги мамнун этади.

Умуман, ишлаб чиқаришда юксак билим — малакали мутахассис кадрларнинг ўрни ва таъсири салмоқлидир. Масалан, хусусийлаштириш даврида ер, экин майдонлари ҳақиқий эгалари қўлига тегса, бир баракага ўн барака қўшилади. Шунингдек, саноат корхоналари ҳам хусусийлаштириш жараёнида салоҳиятли муҳандислар, менежерлар ва иқтисодчилар тасарруфига ўтса, бунинг хосияти бошқачадир.

Президентимиз бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. «Давлат объектларини хусусийлаштиришда биз учун энг асосий тамойил, — дейилади маърузада, — бу ишнинг кўзини биладиган, омилкор мулкдорларни жалб этиш, корхоналарни ҳақиқий эгасига, хусусийлаштирилган завод ёки фабрикани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлган моҳир менежерларга топшириш керак».

Бундай ғоя дастурий аҳамиятга эга бўлиб, корхоналарни хусусийлаштириш масаласини ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Маърузада белгиланган бу муҳим вазифа Тошкент тўқимачилик институти кадрларига ҳаётда эҳтиёж катта эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

### ▼ Таълим

Инвестиция — тараққиётнинг ҳал этувчи омилларидан биридир. Инвестиция иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашга хизмат қилганидек, таълимни ҳам модернизация қилишда бебаҳо шароит яратади. Бундан бир неча йил бурун Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига Япония давлатининг беминнат моддий ёрдами билан 4 миллион АҚШ долларилик энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютерлар келтирилди. Германия ва Швейцария давлатларининг бир қатор фирмаларининг ёрдами бўйича грант асосида 2 млн АҚШ долларига тенг замонавий йигирув машиналари ва жиҳозлари олиб келиб ишга туширилди. Бугун улардан ўқув жараёнида самарали фойдаланилмоқда. Улар институтимизда таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтаришда салмоқли омил бўлди.

Халқаро ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Масалан, Жанубий Кореяда тўқимачилик ва дизайн политехника институти бор. Бу нуфузли хорижий олий таълим муассасаси билан биз яқин алоқа ўрнатганмиз. Битта магистримиз шу институтда 3 ой муддат мобайнида самарали малака оширишда бўлди. Ҳозирги кунда у институтимизда Жанубий Корея иқтисодиёти ривожи ва истиқболи тўғрисида қизиқарли маърузалар туркумини ўқимоқда. Айни пайтда тажрибали ўқитувчиларимиздан бири, доцент А. Исабоев ўша хорижий институтда малака ошириб, ҳозирги кунда Кореянинг «Кайтекс» фирмасидан келтирилган икки қатламли трикотаж мато тўқийдиган замонавий машинани ўз шогирдлари билан йиғиб-тиклаб, ишга туширди. Бунинг нимаси муҳим? Гап шундаки, ҳозирги кунда республикамиз ишлаб чиқаришида асосан бир қатламли трикотаж мато тўқийдиган машиналар мавжуд эди. Икки қатламли трикотаж мато эса пишиқлиги, сифатлилиги билан ажралиб туради. Ушбу машинада ишлайдиган талабаларимиз ўқишни битиргач мамлакат трикотаж ишлаб чиқариш саноатига ўзлари билан бир муносиб янгилик, кичик бир ривожланиш қадамини олиб борадилар, албатта.

Яқинда Жанубий Кореянинг ҳамкор олий ўқув юртидан бир гуруҳ вакиллар Жанубий Корея Республикаси Коммерция, ишлаб чиқариш ва энергетика ишлари вазири жаноб Мун Чиол Ван раҳбарлигида институтимизга ташриф буюришди. Ҳамкорликнинг янги шартномалари имзоланди ва алоқаларимиз янада фаоллашадиган бўлди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида халқимизнинг талаб ва эҳтиёжи учун зарур яна бир соҳа — пойабзал ва либослар дизайни бўйича ҳам юқори савиядаги олий таълим йўлга қўйилган. Мамнуният билан айтамизки, дизайнчи талабаларимиз ишончимизни кўнгилдагидек оқламоқда. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида бўлган «Буюк Ипак йўли халқаро модалар фестивали»да институтимиз вакиллари энг юқори совринли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, Чехиянинг Брно шаҳрида ўтказилган халқаро дизайнчилар танловида қатнашган талабамиз фахрли учинчи мукофотга сазовор бўлди. Дизайнда миллийликни энг замонавий дид ва талаблар даражасидаги гўзалликка айлантира олишга қаратилган изланишлар — институтимизда шу соҳадаги таълимнинг бош концепцияларидан биридир.

Президент маърузасида ҳаёт сифати — тараққиётнинг ҳал қилувчи мезонларидан бирига айланиб бораётганлиги алоҳида тилга олинди. Таълим сифати — ҳаёт сифатининг таркибий бир қисмидир. Таълим сифатли бўлса, кадрлар ҳам юксак талаблар даражасида бўлади. Асосий мақсадларимиздан бири — талабаларимиз республикамизга кириб келаётган энг замонавий техника ва технологияларни талабалик davridaёқ мукаммал ўзлаштиришлари, етарли даражада амалий малака ва кўникмага эга бўлишларини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, тайёрланаётган кадрларимиз глобал фикрлайдиган, ижодий салоҳияти юқори бўлишлари муҳим ҳисобланади.

Бизнинг институтда таълим олаётган ёшлар келажакда мамлакатнинг янада жадал ва муваффақиятли ривожланишига албатта ўз ҳиссаларини қўша олади.

**Қ. ЖУМАНИЯЗОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори.**

# САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган «Санъат ғунчалари» танловининг Қашқадарё вилояти босқичи Қарши санъат коллежида ўтказилди. Ёш мусиқачилар фортепьяно ва скрипка йўналишлари бўйича куч синашдилар. Китоб туманидаги 10-санъат мактабининг 7-синф ўқувчиси Акмал Сафаров ва Қарши шаҳридаги 1-санъат мактабининг 4-синф ўқувчиси Сетора Ҳалимованинг фортепьянода, Қарши шаҳридаги 1-санъат мактабининг 7-синф ўқувчиси Тўлқин Нарзуллаев ва Шаҳрисабз туманидаги 2-санъат мактабининг 4-синф ўқувчиси Сухроб Жўраевнинг скрипкада ижро этган мусиқалари ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Улар танловнинг республика босқичида қатнашадиган бўлишди.

### ▼ Тадбир

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«Асака» банки

НАВРЎЗ байрами муносабати билан миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

1. «Қалдирғоч»
Сақланиш муддати — 3 ой.
Омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади.

2. «Бахтли аёл»
Сақланиш муддати — 5 ой.
Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.

3. «Тақдим этувчига»
Сақланиш муддати — 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

1. «Тақдим этувчига» АҚШ долларида.
Сақланиш муддати — 6 ой.
Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.

2. «Тақдим этувчига» еврода.
Сақланиш муддати — 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 7% ҳисобланади.

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Хизматлар лицензияланган

УШБУ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ОЧИШ МУМКИН.

Мурожаат учун телефонлар: 120-82-92, 120-82-60, 120-81-73.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар филиали | (371) | 120-83-14 |
| 2. | Автотранспорт филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 120-84-23 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-33 |
| 5. | Сирғали филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (3742) | 24-56-98 |
| 8. | Фарғона вилояти филиали | (3732) | 24-70-81 |
| 9. | Қашқадарё вилояти филиали | (3752) | 21-15-38 |
| 10. | Сурхондарё вилояти филиали | (3762) | 770-82-12 |
| 11. | Қорақалпоғистон филиали | (3612) | 23-72-47 |
| 12. | Хоразм вилояти филиали | (3622) | 26-97-78 |
| 13. | Бухоро вилояти филиали | (3652) | 23-11-15 |
| 14. | Самарқанд вилояти филиали | (3662) | 31-19-97 |
| 15. | Сирдарё вилояти филиали | (3672) | 25-28-61 |
| 16. | Наманган вилояти филиали | (3692) | 26-94-75 |
| 17. | Навоий вилояти филиали | (4367) | 770-82-12 |
| 18. | Жиззах вилояти филиали | (3722) | 26-43-11 |

ДАТ «Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.





# Xalqaro nodavlat notijorat tashkilot O`zbekiston va Turkiya ishbilarmonlari uyushmasi — «UTID»

## chin dildan O`zbekiston xalqini *Navro`zi olam* bilan tabriklaydi!

*Barchaga tinchlik-xotirjamlik, sihat-salomatlik, baxt-saodat, har bir oilaga farovon hayot, bunyodkorlik ishlarida muvaffaqiyatlar tilaydi. O`zbekiston va Turkiya xalqlari o`rtasidagi do`stlik va hamkorlik rivojlanaversin.*







**Yuksak hurmat bilan,**
**«UTID» kengashi va «UT-Bank» boshqaruvi raisi Oguz Chetin.**

---

**SARBAST**
PLUS

*"Сарбаст плюс" қўшма корхонаси сизга соғлиқ, шодлик, фаровонлик ва хуррамлик тилайди. Гўзал ва кўп миллатли мамлакатимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин! Хонадонингизни меҳр, муҳаббат, ва тўкин-сочинлик тарк этмасин!*

---

**ALP JAMOL BANK**

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган

## Наврўз байрами

билан муборакбод этади

**ҳамда қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги янги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:**

**«Истиқлол». Миллий валютада йиллик 24% устама ҳақи билан.**

Энг кам омонат миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати – 3 ой. Ушбу омонат турида фоизлар сақлаш муддати тугагандан сўнг тўланади.

**«НУР». Миллий валютада йиллик 23% устама ҳақи билан.**

Энг кам омонат миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 45 кун, 3, 6 ва 9 ой.
12 ой муддатга йиллик 24% устама ҳақи билан.
Ушбу омонат турида ҳисобланган фоизлар муддатидан олдин бўнак тарзида тўланади.

**«Комфорт». Миллий валютада жамғарма депозити 25% йиллик устама ҳақи билан.**

Энг кам омонат миқдори — мижознинг бир ойлик коммунал тўлови миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва коммунал тўлов миқдори ўсганда қўшимча бадал киритилиши мумкин.
Сақлаш муддати — 3 йил.
Ушбу омонат турида фоизлар ҳар ойда ҳисобланади ва коммунал тўлов корхоналарига ўтказиб берилади.

**8% дан 12% гача йиллик устама ҳақи билан АҚШ долларида.**

Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 3 ойдан 12 ойгача.
Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугагандан сўнг ёки муддатидан олдин бўнак тарзида АҚШ долларида берилади.

**5% дан 5,5% гача йиллик устама ҳақи билан еврода.**

Энг кам омонат миқдори — 500 евро.
Сақлаш муддати — 6 ойдан 12 ойгача.
Ушбу омонат турида фоизлар омонат сақлаш муддати тугагандан сўнг еврода берилади.

**8% дан 10% гача йиллик устама ҳақи билан еврода.**

Энг кам омонат миқдори — 500 евро.
Сақлаш муддати — 6 ойдан 12 ойгача.
Ушбу омонат турида фоизлар муддатидан олдин бўнак тарзида АҚШ долларида берилади.

*Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурта қилинган.*

*Банк Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунига асосан, депозитга қўйган маблағларингиз бутлигини ва сир сақланишини кафолатлайди.*



**МУРОЖААТ УЧУН БАНК ФИЛИАЛЛАРИ МАНЗИЛИ ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:**

**— Амалиёт бошқармаси, Тошкент шаҳри, М.Отатурк кўчаси, 21-уй (мўлжал — «Зарафшон» ресторани). Телефон: 232-16-00.**

**— «Чилонзор» филиали, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-«А» даҳаси, 4-«А» уй. Тел.: 150-67-08.**

**— «Қибрай» филиали, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 7-«А» уй. Тел.: 150-66-90, 289-28-92.**

**— «Зангиота» филиали, Зангиота тумани, Охунбобоев кўчаси, 20-уй. Тел.: 150-20-46.**

**— Қарши шаҳар филиали, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 256-уй. Тел.: 150-66-91, 8-375-225-10-10.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 72-сонли лицензияси.

O'ZSANOATQURILISHBANK

***«Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида унинг Наманган минтақавий филиалининг ўзига хос ўрни бор. Бу жамоа бугун 22 мингга яқин мижозга намунали хизмат кўрсатаяпти. Кейинги бир йилнинг ўзида эса банк хизматидан фойдаланаётган субъектлар сони 12 фоизга ортди.***

# МИЖОЗ ИШОНЧИ

Ўтган йил якуни бўйича банк салоҳиятидан дарак берувчи активлар миқдори 5 миллиард 956 миллион 350 минг сўмни ташкил этди. Яъни, аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 636,2 миллион сўмга ортди. Эришилган натижалар замирида нафақат мижозлар билан олиб борилаётган амалиётларни кенгайтириш, балки коммунал тўловларни қабул қилиш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатнинг кўплаб турларига жалб этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг пластик карточка туридан фойдаланишга эътиборни қаратиш сингари қатор омиллар мужассам. Айниқса, пластик карточка, айтиш мумкинки, бугун замонавий кишининг доимий ҳамроҳига айланди. Аввалига савдо шохобчаларидагина қабул қилинган мазкур нақд пулсиз ҳисоб-китоб усули эндиликда хизмат тармоқлари, коммунал тўловлар, ҳатто автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ҳам кенг қўлланилаётганлиги фуқароларнинг унга қизиқишини орттирмоқда. Шу боис бултур филиал томонидан 16 минг донага яқин пластик карточка муомалага чиқарилди. Унинг асосий қисмидан кўп кишилик меҳнат жамоалари фойдаланишяпти. Масалан, Наманган шаҳридаги «Электр қурилмалари» корхонаси салкам 150 нафар ишчи-хизматчиси маоши тўлови учун ойига 10 миллион сўмдан ортиқ маблағни пластик карточкаларга ўтказмоқда. «11-ХМКК»да эса 130 кишига тўланадиган маблағнинг 9 миллион сўмга яқин қисми нақд пулсиз усулда амалга оширилмоқда.

Карточка эгалари хизматнинг мазкур туридан самарали фойдаланишлари учун банк томонидан 39 та турғун савдо шохобчаси, 9 та жамғарма кассаси, 5 та умумий овқатланиш, 6 та автомобилларга ёнилғи қуйиш, 8 жойда маиший ва алоқа хизматлари тўловларини қабул қилувчи шохобчаларга терминаллар ўрнатилди. Улар ёрдамида якунланган йилда «VISA» ва «DUET» тизимидаги карточкалар орқали 147,8 миллион сўмлик амалиётлар бажарилди.

## Интилиш

Бугун кредит ва инвестицион фаолият банкларнинг хизмат даражасини аниқловчи муҳим кўрсаткичга айланган. Йирик корхонадан тортиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам молиявий барқарорликни таъминлашда айнан банк мададига таяниб иш кўришни афзал билишмоқда. Ўтган йили филиал томонидан 53 та юридик шахсга 5 миллиард 743 миллион 312 минг сўм, 381 нафар жисмоний шахсга 862 миллион 800 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ҳам ўзларининг 50 дан ортиқ истиқболли лойиҳаларини банкнинг 2 миллиард 25 минг сўм миқдоридаги молиявий кўмаги билан амалга оширишга эришдилар.

Янги технологик линияларни ўрнатиш, айланма маблағлар ҳамда бошланғич сармояни шакллантириш билан боғлиқ мазкур лойиҳалар ижроси натижасида эса жойларда 265 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Бир кеча-кундузда 45 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган хорижий линияни сотиб олиш ва ўрнатишда банкдан олинган 100 миллион сўм кредит асқотди, — дейди Янгиқўрғон туманидаги «Арафа» масъулияти чекланган жамияти раиси Мамаюсуф Собиржонов. — Натижада корхонамиз ўтган йил кузидан ишлай бошлади. Бугун бу ерда ҳамқишлоқларимиздан 80 нафари меҳнат қилаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, банкдан олган қарзимизни узоғи билан тўрт йилда қоплаймиз.

Банкнинг доимий кўмагидан фойдаланиб, муваффақиятли иш юритаётган субъектлар қаторида Наманган шаҳридаги «РустКО» хусусий фирмаси ҳам бор. Тиббиёт докаси тайёрлашга ихтисослашган бу корхонада 40 киши ишлайди. Кўпчилиги — ногиронлар ва аёллар. Бултур фирма раҳбари хом ашё сотиб олишда бироз қийналиб қолганлиги учун банкка 15 миллион сўм кредит олиш мақсадида бизнес-режа лойиҳасини тақдим этганди. Буюртма қисқа муддатда бажарилди.

Оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун қорамол сотиб олишга банкдан қарз кўтарган фуқаролар ҳам анчагина. Мазкур йўналишда 53 жисмоний шахсга ажратилган 42,4 миллион сўм кредитнинг 30 миллион сўми филиалнинг ўз ресурслари ҳисобидан қопланди.

— Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, ёш оилалар яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилувчи истеъмол ва ипотека кредитларига талаб ортиб боряпти, — дейди филиал бошлиғи Илёсжон Жўраев. — Хусусан, бултур 272 кишига мебель, электр ва маиший техника, компьютер, бошқа уй жиҳозлари сотиб олиш учун 647 миллион сўмлик молиявий ёрдам кўрсатдик. Ёш оилаларга ажратилган микрокредитлар ҳисобига эса 88 та янги иш ўрни яратилди.

«Намангантелеком» корхонаси ишчиси Мирзаакбар Бобоназаров Наманган туманида яшайди. У янги ҳовлига кўчиб ўтгач, банкдан олган 4 миллион сўм кредит ҳисобига хонадонини замонавий жиҳозлар билан тўлдирди. Ўқитувчи Одилжон Ризаев эса 3 миллион сўм имтиёзли қарз кўтариб, «Ройсон» телевизори, кондиционер ва гилам харид қилди.

Мингбулоқ туманидаги «Авангард» фермер хўжалиги ишчиси Акмал Ботировга ҳам банк икки хонали уй сотиб олиши учун 22 миллион сўм кредит ажратди. Янгиқўрғонлик Азизбек Ашуровнинг вилоят марказидан замонавий хонадон сотиб олиш орзуси ҳам рўёбга чиқди. Эндиликда у турмуш ўртоғи ҳамда фарзанди билан молиявий муассаса ажратган 20 миллион сўм маблағ ҳисобига харид қилинган икки хонали турар жой эгасидир.

Банк капиталининг кўпайиши, ўз навбатида, мижозларга янгидан-янги имкониятлар туғдирмоқда. Буни «Ёшлар йили»нинг ўтган ойлари давомида амалга оширилган ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Жамоанинг мақсади битта: у ҳам бўлса, ўз фаолиятида барқарорликка эришиш, мижоз ва банк муносабатларини янада мустаҳкамлашдир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
«ХАЛҚ БАНКИ»
BANK


*Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни қут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин дея тилак билдирган ҳолда ва моддий манфаатингизни кўзлаб,*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариб, янги, номи кўрсатилмаган**

**«ТАҚДИМ ЭТУВЧИ»**

**омонат турини таклиф этади.**

Омонатга пул маблағлари ***3, 6, 9 ва 12 ой муддатга,*** йиллик ***30 фоиз*** даромад тўлаш шарти билан камида ***200 000 сўм*** миқдорида «Халқ банки»нинг барча муассасаларида қабул қилинади.

**Маблағларингизни «Халқ банки»га қўйиб, даромадингизни ошириш билан бирга, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.**

**«Халқ банки» маблағларингизни ва унга ҳисобланган фоизларни сизнинг биринчи талабингиз бўйича берилишини кафолатлайди.**

Хизматлар лицензияланган

**«ХАЛҚ БАНКИ»ДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!**

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

«Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси

Ўзбекистон халқини

*Наврўз байрами билан*

муборакбод этади!

*Азиз юртдошлар!*

MIKROKREDITBANK

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**ЎЗИНИНГ ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ АКЦИЯЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРДИ.**

Банк акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг расмий листингига киритилган.

Ушбу акцияларни харид қилинг ва мулкдор сифатида қўшимча даромад манбаига эга бўлинг!


**Шуни эслатиш жоизки, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари акцияларидан олган дивиденд сифатидаги даромадларидан солиқлар олинмайди.**

**Юридик шахсларнинг фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.**

**АКЦИЯЛАРНИ МАЗКУР БАНКНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДАГИ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

***Имкониятни қўлдан бой берманг!***

Хизматлар лицензияланган

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 273-28-11, 273-05-79.

*«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!*

## «Камолот» ойлиги

***Баҳорнинг илк ойи — янгиланиш, яшариш ойи Фарғона вилоятида «Камолот» ойлиги деб эълон қилинди.***

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги томонидан алоҳида тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилялти.

Тадбирлар «Ёшлар йили» дастурига ҳамоҳанг ва уйғундир.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

GUNWOO
ШУЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган
**ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРни**
таклиф этади.
**Диаметри 100 мм дан 1200 мм гача.**
**Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.**
***ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:***
***суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.***

1. Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатлами перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.




**Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.**
**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**
**ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.**
**ФАКС: (370 71) 715-63-16.**
**Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.**
**gunwoo@mail.ru**
Маҳсулот сертификатланган.

*«Атлас Копко»нинг*
*Ўзбекистондаги ваколатхонаси —*
*Atlas Copco Rock Drils AB*
*республикамиз аҳлини гўзал айём —*
*Наврўз байрами билан чин қалбдан*
*муборакбод этади!*
*Барча-барчага бахт, хурсандчилик, ижодий*
*муваффақиятлар ва тўкин-сочинлик тилайди!*
*Тинчлик ва фаровонлик ёр бўлсин.*

Atlas Copco

**КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**ХАЛҚАРО АЛОҚА ТАРИФЛАРИ**
**ЯНАДА ҚУЛАЙ ВА ЯНАДА АРЗОН!**



| | |
|---|---|
| МДҲнинг барча давлатлари | $ 0,30/дақ. |
| ЕВРОПА | $ 1,20/дақ. |
| АМЕРИКА ВА АФРИКА | $ 1,30/дақ. |
| ОСИЁ | $ 1,60/дақ. |
| АВСТРАЛИЯ ВА ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ | $ 1,80/дақ. |

Нархлар ЎзРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қийматида кўрсатилган. Барча солиқлар ҳисобга олинган. Хизматлар лицензияга эга.

ISO 9001:2000

Расмий ҳамкор: ASIA INSHURANS Суғурта компанияси

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!
(8598) 305-1111 www.cdma.uz

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.***

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**t -Тижорат материали**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.**
**Навбатчи — Ю. Бўронов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.50** 1 2 3 4 5 6 8